

Табук ғазоти бұлганида

09:00 / 22.05.2018 4911

Абу Хурайра розияллоху анху ёки Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхундан ривоят қилинади:

(Ровий шак қилдилар. Лекин саҳобалар наздидаги шакнинг зарари йўқ. Чунки уларнинг барчалари одилдир.)

Табук ғазоти бұлганида, одамларга очарчилик етди. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, агар изн берсангиз, туяларимизни сўйиб гўштини еб, ёғини суртамиз», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Қилаверинглар**», деб рухсат бердилар. Кейин Умар розияллоху анху келиб: «Эй Аллоҳнинг расули, агар бундай қилишга изн берсангиз, миниладиган нарса камайиб кетади. (Яхшиси) кишиларга захира учун олиб қўйган таомларини олиб келишни буюринг ва у нарсаларга барака тилаб дуо қилинг. Шояд, Аллоҳ ана шу нарсада барака берса», деганларида, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Хўп**», деб бир чарм тўшама келтиришни буюрдилар. У тўшалди. Сўнгра захирадаги ортиқча нарсани келтиришга чорладилар. Кимдир кафтида маккажўхори, кимдир бир кафт хурмо ва яна кимдир бурда нон олиб келди. Ҳалиги чарм тўшамага бироз нарса тўпланди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўша тўпланган нарсага барака тилаб дуо қилдилар. Ва: «**Идишларингизни олинглар**», деб буюрдилар. Улар идишларини олишди, ҳатто қўшин орасида идишини тўлдирмаган киши қолмади. Ва тўйгунларича едилар, ундан ортиб ҳам қолди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Мен Унинг расулиман, деб гувоҳлик бераман. Бирор банда мана шу икки калима билан Аллоҳга йўлиқса, шак-шубҳасиз, жаннатдан тўсилмайди**», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.